

**ТАСДИҚЛАЙМАН**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Транспорт Вазирининг**  
**ўринбосари**  
**Ж.Э. Чориев**



20 й.

**2022 йилга**  
**«ЎЗАЭРОНАВИГАЦИЯ» МАРКАЗИ ДУКнинг**  
**БИЗНЕС РЕЖАСИ**

**Идоравий мансублиги: Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирлиги**  
**Юридик (корхонанинг почта манзили): 100167, Тошкент, Локомотивная**  
**кўчаси, 13**

**е-хат Манзили: [cuan@exat.uz](mailto:cuan@exat.uz)**

**Электрон манзили: [info@aeronav.uz](mailto:info@aeronav.uz)**

**СТИР: 201052000**

**«Ўзаэронавигация» Маркази ДУК Директори - Ашуров Алишер Хамидович**  
**Молиявий-иқтисод бошқармаси бошлиғи-Ананова Наталья Александровна**

## МУНДАРИЖА

	Аннотация (Қисқача маълумот)	3-бет
1.	«Ўзаэронавигация» Маркази ДУК тўғрисида умумий маълумот: ҳуқуқий ташкилотчилик шакли, корхонанинг асосий функциялари ва вазифалари, корхона фаолиятига ташқи ва ички шароитларни таъсири, 2021 йилга Йўл харитаси, 2019 – 2021 йилларга таққослаганда корхонанинг молиявий натижалари	4 - 7-бет
2.	Ишлаб чиқариш ва молиявий кўрсаткичлари	7 – 13-бет
2.1.	Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари	9 – 10-бет
2.2.	Асосий фаолиятдан хизматларни амалга ошириш	10– 11-бет
2.3.	Молиявий – иқтисод кўрсаткичлари	11– 13-бет
2.4.	Корхонанинг соф даромадини тақсимланиши	13– 14-бет
2.5.	Давлат бюджетига тўловлар	14– 16-бет
2.6.	Корхонанинг қарздорлиги	16– 18-бет
2.6.1.	Корхонанинг ташқи қарши	16-17 бет
2.6.2.	Корхонанинг дебиторлик и кредиторлик қарздорликлари	17– 18-бет
3.	Корхонанинг экспорти ва импорти	18– 22-бет
4.	Корхонанинг Инвестицион лойиҳалари	22-бет
5.	Самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари (KPI)	22– 25-бет
6.	Иш ҳақи	25 - 26-бет
7.	Корхона фаолияти самарадорлигини ошириш	26– 27-бет
8.	Муаммоли масалалар ва уларни ҳал қилиш йўллари	27- 32-бет
<i>Бизнес – режага Илорвалар:</i>		
№ 1 Илова	2022 йилга «Ўзаэронавигация» Маркази ДУКнинг тадбирлар Режаси	10 варақ
№ 2 Илова	Асосий фаолиятдан хизматларни амалга ошириш	3 варақ
№ 3 Илова	Корхонани ташқи қарзлари бўйича маълумот	1 варақ
№ 4 Илова	Экспорт прогнози	1 варақ
№ 5 Илова	«Ўзаэронавигация» Маркази ДУКнинг 2022 йилга инвестицион лойиҳаларининг рўйхати.	4 варақ
№ 6 Илова	Импорт прогнози	7 варақ
№ 7 Илова	«Ўзаэронавигация» Маркази ДУКнинг 2022 йилга самарадорликни асосий кўрсаткичлари.	16 варақ
№ 8 Илова	Ўртача ишчилар сони ва иш ҳақи ҳақида маълумот	1 варақ

## АННОТАЦИЯ (Қисқача маълумот)

Ҳар қандай корхонанинг молиявий ва ишлаб чиқариш фаолияти билан танишиш учун, унинг фаолиятини ҳар тарафларини ўрганиш, шу асосда корхона фаолиятидаги ижобий ва салбий томонлари ҳақида холис фикрни шакллантириш, муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш имкониятларини аниқлаш керак. Шу билан бирга, корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларини ақс эттирадиган, унинг ишини молиявий натижаларига ва молиявий ҳолатига бевосита таъсир кўрсатадиган бир қатор асосий кўрсаткичларни ўрганиш керак.

Бизнес-режанинг мақсади - корхона Уставида белгиланган мақсад ва вазифаларни бажаришдан иборатдир;

«Ўзаэронавигация» Маркази ДУКнинг молиявий-ишлаб чиқариш фаолиятини таҳлил қилиш, ушбу хизматларга таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда, кўрсатилаётган хизматлар экспортининг кўпайиши, корхонанинг инвестиция дастурларининг бажарилиши ва кредит мажбуриятларининг қайтарилишидир.

**1.КИРИШ**  
**“ЎЗАЭРОНАВИГАЦИЯ” МАРКАЗИ ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ**  
**ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ**

**Корхона Паспорти**

Корхонанинг тўлиқ ва қисқартирилган номи	“O‘zaeronavigatsiya” Markazi Davlat Unitary korxonasi
Ташкилий-ҳуқуқий шакли	Давлат унитар корхонаси
Тармоқ	транспорт
Фаолият тури	аэронавигация хизматларни кўрсатиш
Юридик манзили	100167, Тошкент, Локомотивная кўчаси, 13 уй
Устав фонди	1 965 956 420,57 сўм
СТИР	201052000
Ҳисоб рақами ва хизмат кўрсатувчи банки	АКБ «ASIA ALLIANCE BANK», Оперу ЎзР Тошкент ш., МФО 01095.
Умумий ер майдони (га);	15,82
бино-иншоотлар майдони (м <sup>2</sup> ) ;	14389,14
ишлаб чиқариш майдони (м <sup>2</sup> ) ;	12745,14
ишчилар сони;	1 340
ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тури;	Ҳаво кемаларига аэронавигацион хизмат кўрсатиш
экспорт қилинадиган маҳсулотлар ва давлатлар; экспортруемая продукция и страны;	Ўзбекистон Республикаси аэропортларига кўниш билан ва Ўзбекистон Республикасининг ҳаводаги кенгликларида парвозларни амалга оширувчи, дунёнинг барча давлатларини ҳаво кемаларига аэронавигацион хизмат кўрсатиш

«Ўзаэронавигация» Маркази Давлат Унитар Корхонаси (бундан буён матнда – ЎАНМ ДУК) давлат унитар корхонаси шакли кўринишидаги тижорат ташкилоти бўлиб ҳисобланади.

ЎАНМ ДУК фаолиятининг асоси ҳаводаги ҳаракатга хизмат кўрсатиш ва парвозларни радиотехник таъминоти ҳисобланади.

«Ўзаэронавигация» Маркази 1990 йил 16 ноябрда ЎзФАБ бошлиғининг 37-сонли буйруғи билан ташкил топган ва 1991 йил 14 ноябрда 612/22-11-сонли Ҳалқ депутатлар кенгашининг Ленин райони Қарори билан Устави рўйхатдан ўтказилган, 1997 йил 30 июнда 340/4-сон билан Тошкент шаҳар Миробод райони Ҳокимининг Қарори билан қайта рўйхатдан ўтказилган. Кирилган ўзгаришлар ва қўшимчалар билан янги таҳрирдаги Устав 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига асосан Миробод тумани Ҳокимининг 2008 йил 20 августдаги 03001051-сон Қарори билан рўйхатдан ўтказилган.

2019 йил 1 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5647-сон Фармони билан корхона Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирлиги ихтиёрига ўтказилди. Корхонанинг янги Устави 2019 йил 4 июлда рўйхатдан ўтказилди.

2021 йил 19 июлда Транспорт Вазирлигининг 2021 йил 19 июлдаги 137-сонли буйруғи билан киритилган корхонанинг янги Низоми рўйхатдан ўтказилди.

ЎАНМ ДУК мустақил юридик шахс бўлиб, ўз фаолиятини тўлиқ хўжалик ҳисоб-китобида, ўз-ўзини молиялаштириш асосида амалга оширади ва қуйидагиларга эга: Уставда кўзда тутилган, ишлаб чиқариш фаолиятига мувофиқ ажратилган мулкдан фуқаролик ҳуқуқий лаёқати асосида, оператив бошқариш ҳуқуқларига.

Қонунда белгиланган тартибда ЎАНМ ДУК ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни сотиб олиш ва амалга ошириши, бурч ва жавобгарликни ўз зиммасига олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши, ўз мажбуриятлари учун ўзига тегишли бўлган барча мол-мулк билан жавоб бериши; Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига, давлатлараро шартномаларга зид бўлмаган қарорлар қабул қилиши.

ЎАНМ ДУК ўз ичига Ўзбекистон Республикасининг барча вилоят аэропортларида жойлашган, таркибий бўлинмаларни киритади, уларнинг асосий фаолияти ҳаводаги ҳаракатга хизмат кўрсатишдан, ҳаво кемалари парвозларини радиотехника таъминоти билан таъминлашдан, электр алоқа бўйича хизмат кўрсатишдан иборатдир. ЎАНМ ДУК давлат унитар корхонаси бўлинмаларининг сони, йўналиши, таркиби ва жойлашиши ҳал қилиниши керак бўлган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади ва корхонанинг таркибий схемаси билан ўрнатилади.

ЎАНМ ДУК мустақил баланс, банк ҳисоблари, шу жумладан чет эл валютасига эга. Корхонанинг хўжалик фаолияти ЎАНМ ДУКнинг ихтисослаштирилган хизматларини тақдим этишдан олинган, ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

ЎАНМ ДУК парвозларнинг хавфсизлигини ташкил этиш ва мунтазамлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатини таъминлайди, хорижий давлатларнинг ҳаво кемаларини Ўзбекистон Республикаси чегараларини кесиб ўтишда умумдавлат

масалаларини ҳал қилишда ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари (ҲҲМК) ва ҳарбий ҳаво кучлари (ҲҲК) билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

«Ўзаэронавигация» Маркази ДУК таркибига Ўзбекистон Республикаси аэропортларида жойлашган алоҳида балансга ажратилмаган таркибий бўлинмалар киради.«Ўзаэронавигация» Марказининг ташкилий тузилмаси ва иш ҳақи директори томонидан Муассис томонидан келишилган ҳолда белгиланади ва ўрнатилади.Иш ҳажмининг ошиши билан ва ишлаб чиқариш эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда, Узаэронавигация маркази ходимлар сонини кўпайтирмасдан, маълум бир иш турини бажариш учун меҳнат шартномаси бўйича ёллаш ҳуқуқига эга.

### «Ўзаэронавигация» Маркази ДУКнинг 2022 йилга Йўл харитаси

«Ўзаэронавигация» Маркази ДУК 2022 йилга (Йўл харитаси) тадбирлар режасини ишлаб чиқди (**1-сонли Илова**), улардан энг йириклари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Самарқанд аэропортини реконструкция қилишни тугатилиши;
2. Термиз аэропортини реконструкция қилишни бошланиши;
3. Ислон Каримов номидаги Тошкент аэропортида ILS/DME радиомаёк билан узоқ масофани ўлчайдиган кўшиш тизимининг (2 та комплектини) харид қилиш ва ўрнатиш бўйича лойиҳани яқунланиши;
4. ҲХТ (Ҳаводаги Ҳаракатни Ташкил этиш)нинг янги йўналишларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;
5. (PBN) зонал навигацияси йўналишларини жорий қилиниши ва *бошқа тадбирлар*.

### «ЎЗАЭРОНАВИГАЦИЯ» МАРКАЗИ ДУКнинг АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

*1 Жадвал*

Кўрсаткич номланиши	Ўлчов бир.	Факт 2020	Факт 9 ой. 2021	Кутилиш 2021	Прогноз 2022
Бозор улуши ҳажми	%	100	100	100	100
Ўртача ходимларнинг рўйхат сони	киши	1 341	1 322	1 340	1 340
Жами ҲК хизмат кўрсатилди, шу жумладан	ҲК	53 615	59 374	79 536	126 743
Ҳаводаги кенликдан транзит фойдаланиш вақтида	ҲК	33 317	29 695	39 964	52 083
Аэродром ҳудудида учиш/кўнишни таъминлаш вақтида	ҲК	20 298	29 679	39 572	74 660
Маҳсулот реализациясидан (сотишдан) соф даромад (товар,иш,хизмат) умумий, шу жумладан	млн. сўм	193 378	223 760	300 100	336 116
Аэронавигация хизматларини кўрсатиш	млн. сўм	183 516	208 956	280 245	329 916
Умумий хўжалик фаолиятдан бошқа даромадлар	млн. сўм	27 144	24 255	30 340	31 000
Экспортнинг умумий ҳажмидаги улуши	%	73	79,5	80	80



Кўрсаткич номланиши	Ўлчов бир.	Факт 2020	Факт 9 ой. 2021	Кутилиш 2021	Прогноз 2022
Махсулот таннархи (товар, иш ва хизмат)	млн. сўм	79 326	78 783	122 077	156 832
Умумий хўжалик фаолиятдан бошқа харажатлар	млн. сўм	147 769	69 231	110 848	133 775
Улардан молия фаолияти бўйича харажатлар	млн. сўм	113 088	37 169	57 036	69 200
Соф молиявий натижа	млн. сўм	(-) 6 575	96 880	94 525	74 148

## **2.КОРХОНАНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

“Ўзаэронавигация” Маркази ДУКнинг асосий фаолият йўналишлари куйидагилар ҳисобланади:

- жавобгарлик чегаралари доирасида ҳаво кемаларининг аэронавигацион хизматлари;
- алоқа хизматлари;
- флайт - планларни ишланиши бўйича хизматлар;
- ҳаво кемаларининг етакчилик (лидированиеси) бўйича хизматлари;
- аэронавигацион маълумотларини нашр қилиш ва тақдим этиш бўйича хизматлари;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тақиқланмаган бошқа турдаги хизматлар.

### 1.Ҳаво кемаларига аэронавигация хизматларини кўрсатиш.

Аэронавигация хизматлари хусусий ва тасарруфи шаклига қарамай фойдаланувчиларнинг барча тоифалари ҳаво кемаларига кўрсатилади ва куйидагиларга бўлинади:

- Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудидан транзит фойдаланиш йўналишида аэронавигация хизматларини кўрсатиш.
- Ўз навбатида куйидагилардан ташкил топган аэродром ҳудудида аэронавигация хизматларини кўрсатиш:
  - Ўзбекистон Республикаси аэродромларида қўниш билан (яқинлашув) йўналишида аэронавигация хизматларини кўрсатишдан:
  - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган аэропортларига\дан кирувчи\чиқувчи барча йўналишларда парвоз\қўнишини таъминлашда аэронавигация хизматларини кўрсатишдан.

### 2. Алоқа хизматлари.

Аэронавигация хизматларини сифатли ва узлуксиз алоқа каналлари билан таъминлаш учун Ўзбекистон Республикасининг барча аэродромларида алоқа каналлари ташкил этилган булар: радиолокацион маълумотларни узатиш учун; радиолокацион ва радионавигацион ускуналарнинг ишлашини назоратини ва

дистанцион бошқарувини таъминловчи, радионавигацион ускуналарнинг ишлаш ҳолати ҳақида ахборотни ҳаводаги ҳаракатни бошқариш диспетчерлик пунктига узатиш, метеорологик маълумотларни тўплаш ва фойдаланувчиларга узатишни таъминловчи биринчи навбатда ҳаводаги ҳаракатни бошқариш диспетчерлик пунктига, масофадан туриб қабул қилиш\узатишни таъминловчи радиоускуналари, ҳаводаги ҳаракатни бошқариш диспетчерлик пунктлари ва ҳаво кемаси экипажи билан алоқани таъминловчи, маҳкамланган авиация телеграф алоқаси (АФТН) махсус авиация маълумотларини узатиш, аэродромда ЎАНМ бўлинмалари билан, аэродромлараро ва аэропортлар орасида ҳаво кемалари парвозини таъминлаш жараёнида, Ўзбекистон Республикаси аэропортларида жойлашган ҳаводаги ҳаракатни бошқариш диспетчерлик пунктлари орасида ўзаро ҳамкорликни таъминловчи телефон каналлари ва баланд овозли алоқа, радиолокацион, метеорологик, овозли алоқа каналлари.

ЎАНМ ДУК қурилган ва эксплуатация қилинаётган алоқа тармоқлари ва тизимлари қуввати ташқи корхоналар, шунингдек фуқаро авиацияси парвозларини ташкил этишда қатнашувчи (авиакорхоналарга ва аэропорт ҳудудида жойлашган ташкилотларга) шартнома асосида қўшимча молиявий ва моддий қўйилмаларсиз айрим алоқа хизматларини кўрсата олади (телефон алоқаси, маълумотлар узатиш канали ва бошқалар).

### 3. Ислон Каримов номидаги Тошкент аэропортида ХКни лидирлаш (етақчилик) бўйича хизматлари.

“Ўзаэронавигация” Маркази Ислон Каримов номидаги Тошкент аэропортида парвозларни амалга оширувчи ҳаво кемаларини лидирлаш хизматларини кўрсатади. Шунингдек МАК ХКни “UAT” АК техник (шаклига) формасига шатаклашда лидирлаш хизматларини кўрсатади. Хизматлар ХК экипажи сўровига биноан кўрсатилади. Хизматлар парвозлар ҳафвсизлигида қўшимча чоралар қўлланиши лозим бўлган ҳолатларда албатта тақдим этилади. Булар қуйидаги вазиятлар: 400 метрдан кам кўриниш, кўриниш камайганда, ердаги ҳаракатлар чекланган ҳолатларида.

### 4. Аэронавигация маълумотларини тақдим этиш хизматлари.

“Ўзаэронавигация” Маркази аэронавигацион ахборотлар хизмати (ААХ) шартнома асосида қуйидаги аэронавигация маълумотларини тақдим этиш хизматларини кўрсатади:

- Ўзбекистон Республикаси (AIP) тўплами ва унга киритилган тузатишлар;
  - МАК аэродомлари бўйича аэронавигацион ахборотлар тўплами,
- Ўзбекистон Республикаси парвозларни амалга ошириш Йўриқномаси, ҳаво трассалари ва ҳаво линиялари Рўйхатига киритилган тузатишлар;



- Ўзбекистон Республикаси аэродромлари учун (Россия Фуқаро авиацияси аэронавигацион ахборотлар Маркази Федерал Давлат унитар крхонаси) ФГУП ЦАИ ГА (РФА ААМ ФДУК) маҳсулотнинг кузатуви.

#### 5. Флайт-режа ва ХХХК маълумотларига ишлов бериш хизматлари.

ХК (АТМ FPL) парвоз режасига ишлов бериш ва узатиш ҳамда ХХХК стандарт маълумотларини тарқатиш (DLA, CHG, DEP, ARR, CNL ва бошқалар.) Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудидан фойдаланишни бошқариш ягона тизими оператив органларининг барча манзилларига ва ХК йўналиши бўйича тарқатиш. Ушбу хизматлар ХК экипажи талаби билан амалга оширилади.

#### 6. Учувчисиз учадиган аппаратлар парвозига рухсат бериш хизмати (УУА-БПЛ).

Ҳаводаги ҳудудидан фойдаланиш учун Учувчисиз учадиган аппаратлар томонидан рухсат олишнинг мақсади - фойдаланувчилар манфаати учун Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудидан фойдаланишда ҳафвсизликни таъминлаш ҳисобланади. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудидан фойдаланишни бошқариш ягона тизими оператив органлари томонидан эълон қилинган фаолият тўғрисидаги маълумотларни парвозлар режасига киритиш мақсадида тўлиқ хабардорлиги, уларни учиритиш, парвозлар режасига киритилган фаолияти ҳақида, ахборотларни киритиш, зарур бўлса кўрсатилган ҳудудда вақтинчалик режим ёки қисқа муддатли чеклов ўрнатишдир.

### **2.1. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

«Ўзаэронавигация» Маркази ДУКнинг асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари - бу Ўзбекистон Республикаси ҳаводаги кенгликларидан транзит фойдаланиш пайтида ва Ўзбекистон Республикаси аэродромларига қўниш билан хизмат кўрсатиладиган ҳаво кемаларининг сони ҳисобланади. Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари «Ўзаэронавигация» Маркази ДУК даромадига таъсир қилмайди, масалан, минимал ҳаво кемасининг оғирлиги бўлган ҳаво кемалари сонининг кўпайиши билан, ҳаво кемалари учун аэронавигацион хизматлари учун тушумларнинг пасайиши бўлиши мумкин, ҳаво ҳудуди бўйлаб учиб ўтишда қисқа масофани танлаш ҳам корхона даромадларининг пасайишига олиб келиши мумкин.

## ЎАНМ ДУК ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг динамикаси

2 Жадвал

Кўрсаткични номланиши	2020й. (амалда)	2021й. 9 ойлик (амалда)	Кутила -ётган 2021й	2022й. (режа)	Шу жумладан			
					1-чорак	2-чорак	3- чорак	4 – чорак
Ҳаво транспорти хизматларини кўрсатиш, шу жумладан	53 615	59 374	79 536	126 743	31 686	31 390	31 686	31 981
Хаводаги кегликдан транзит тарзда фойдаланилганда (транзит)	33 317	29 695	39 964	52 083	13 021	11 978	13 021	14 063
Ҳаво кемаларига кўниш ва учиш хизматларини кўрсатиш	20 298	29 679	39 572	74 660	18 665	19 412	18 665	17 918

### 2.2. АСОСИЙ ФАОЛИЯТДАН ХИЗМАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Ушбу Бизнес-режанинг №2 Иловасида ЎАНМ ДУК томонидан тақдим этиладиган асосий фаолият турлари бўйича хизматларни амалга ошириш динамикасини кўрсатилади.

2021 йил натижалари бўйича асосий фаолиятдан **300,1** млрд. сўм миқдорида даромад олиш кутилмоқда, бу 2020 йил кўрсаткичидан **55%** га юқори.

ЎАНМ ДУК даромадларининг асосий тури бу мулкчилик ва бўйсунушидан қатъий назар дунёнинг барча мамлакатларининг авиакомпанияларини ҳаво кемаларига аэронавигацион хизматларини кўрсатишдир.

Ушбу хизмат турининг умумий даромаддаги улуши **93%** ни ташкил қилади. 2021 йил натижалари бўйича **280,2** миллиард сўмни олиш кутилмоқда, бу 2020 йил кўрсаткичидан **52,7%** га юқори.

Бироқ, «Covid-19» пандемияси «Ўзаэронавигация» Маркази ДУКнинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятига салбий таъсир кўрсатишда давом этмоқда. Европа-Жанубий-Шарқий Осиё йўналишлари бўйича транзит рейсларда мунтазам йўловчи авиаташуви тикланмаган.

2021-йилнинг август ойидан бошлаб Афғонистон Ислом Республикасида Толибон ҳаракати ҳокимиятга келиши билан Афғонистон ҳудудига кирган MILSO - Термиз - AMDAR ҳаво йўлаги (коридори) бўйлаб ҳаво кемаларининг рейслари деярли тўхтатилди.

Ушбу ҳаво йўлагидан (коридоридан) қиймати қарийб **400** минг АҚШ доллари бўлган **1 000** га яқин ҳаво кемалари ўтар эди.

Ҳозирги пайтда «Ўзаэронавигация» Маркази ДУК фойдаланувчиларни Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудига жалб этиш бўйича ишларни олиб бормоқда: авиакомпанияга хатларни юбормоқда ва «Памир йўлаги»дан («Памирский коридор») фойдаланиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Агар 2021 йил 18 августдан бошлаб ушбу йўлакдан (коридордан) фақат United Airlines авиакомпанияси фойдаланган бўлса, ҳозирги кунда музокаралар йўли орқали British Airways, UPS, Virgin Atlantic ва KLM кўшимча авиакомпанияларини жалб қилишга эришилди. Lufthansa ва Волга-Днепр авиакомпаниялари билан музокаралар олиб борилмоқда.

Ушбу омиллар «Ўзаэронавигация» Маркази ДУКнинг жавобгарлик зонасида Ҳаво Кемалари парвозларининг интенсивлигига салбий таъсир кўрсатиши ва шунга мувофиқ, аэронавигацион хизматлари учун даромаднинг пасайишига олиб келиши мумкин.

Аэродром ҳудудида ҳаво кемалари парвозларининг қатновлари трафигининг ошиши аэропортларга боғлиқ: авиакомпаниялар билан янги шартномалар тузишда аэронавигацион хизматлари учун шартномалар тузилади.

Бошқа хизматлар бўйича жами тушумнинг 6% ни ташкил этадиган асосий фаолиятдан, корхона 19,8 млрд.сўм миқдорида сумма маблағини олиши кутилмоқда. 2022 йил учун асосий фаолиятдан бошқа даромадларни 69% га камайтириш режалаштирилмоқда. Сабаби - «Ўзаэронавигация» Маркази ДУК балансидан метеорологик ускуналарининг ЎзГидромет балансига ўтказилиши ва шунга тегишли равишда, корхона томонидан олинган даромадлар улушининг 4,4 фоизини ташкил этган (йилига 12 млрд. сўм атрофида) ҳаво кемаларининг парвозларини метеорологик таъминлаш даромадлари моддаси.

### 2.3. МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР «Ўзаэронавигация» Маркази ДУКнинг 2022 йил учун молиявий- иқтисодий кўрсаткичларининг РЕЖАСИ

*3 Жадвал млн.сўм*

№	Кўрсаткичлар	2020й	2021й. 9 ойлк (факт)	2021й (кутила- ётган)	2022й. (режа)	Ўзгариш		Шу жумладан			
						(+/-)	%	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
1.	Жами даромад (солиқларсиз), шу жумладан: Общий доход (без налогов), в том числе:	220 522	248 015	330 440	367 116	36 676	111	90 356	91 674	93 546	91 540
	соф тушум чистый доход	193 378	223 760	300 100	336 116	36 016	112	82 606	83 924	85 796	83 790
	бошқа даромадлар прочие доходы	2 301	545	727	1 000	273	138	250	250	250	250
	молиявий фаолият даромадлари доходы от финансовой деятельности	24 843	23 710	29 613	30 000	387	101	7 500	7 500	7 500	7 500

№	Кўрсаткичлар	2020й	2021й. 9 ойлк (факт)	2021й (кутила- ётган)	2022й. (режа)	Ўзгариш		Шу жумладан			
						(+/-)	%	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
2.	Ишлаб чиқариш таннархи Себестоимость	79 326	78 783	122 077	156 832	34 755	128	38 182	39 350	40 000	39 300
	хомашё ва материаллар материалы и сырьё	4 525	847	1 312	1 686	374	129	410	423	430	423
	энергия ресурслари	2 376	1 730	2 681	3 444	763	128	838	864	878	863
	Ишчи-ходимлар иши ҳақи Зарабатная плата работников	47 406	50 361	78 036	100 253	22 217	128	24 407	25 154	25 569	25 123
	ижтимоий сугурта харажати ЕСП	2 355	6 073	9 364	12 030	2 666	128	2 930	3 017	3 068	3 015
	асосий воситалар (номоддий активлар) амортизацияси амортизация основных средств (нематериальных активов)	11 818	11 271	15 028	19 306	4 278	128	4 826	4 827	4 826	4 827
	бошқа харажатлар другие расходы	10 846	8 501	15 656	20 113	4 457	128	4 771	5 065	5 229	5 049
3.	Давр харажатлари Расходы периода	34 681	32 062	53 812	64 575	10 763	120	15 100	15 331	18 000	16 144
	сотиши харажатлари расходы по реализации	-	-	-	322	322	100	322	-	-	-
	маъмурий харажатлар административные расходы	3 383	2 833	4 755	5 706	951	120	1 335	1 355	1 589	1 427
	бошқа операция харажатлар, шу жумладан: прочие операционные расходы, в том числе:	31 299	29 229	49 057	58 547	9 490	119	13 443	13 976	16 411	14 717
	ҳомийлик ва бегараз ёрдамлар спонсорство и безвозмездная помощь	5 000	-	-	-	-	-	-	-	-	-
4	Молиявий фаолият бўйича харажатлар Расходы по финансовой деятельности	113 088	37 169	57 036	69 200	12 164	121	16 300	18 000	16 400	18 500
	фоизлар шаклидаги харажатлар расходы в виде процентов	9 293	8 795	11 205	16 375	5 170	146	3 857	4 259	3 880	4 379
	валюта курси фарқидан зарарлар убытки от курсовой разницы валюты	103 795	28 374	37 832	52 825	14 993	140	12 443	13 741	12 520	14 121
	молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар другие расходы по финансовой деятельности	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
	Фойда солиғини тўлагунга кадар фойда (зарар)	(-)6 574	96 879	93 083	76 509	-21006	78	20 774	18 993	19 146	17 596

№	Кўрсаткичлар	2020й	2021й. 9 ойлк (факт)	2021й (кутила- ётган)	2022й. (режа)	Ўзгариш		Шу жумладан				
						(+/-)	%	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	
	Прибыль (убыток) до выплаты налога прибыли											
5.	Фойда солиги Налог на прибыль	-	3 122	2 990	2 361	-629	79	640	586	590	545	
6.	Соф фойда/зарар Чистая прибыль/ Убыток	(-)6 575	96 880	94 525	74 148	-20377	78	20 134	18 407	18 556	17 051	
7.	<b>ЕБИТДА кўрсаткичи</b> (млн.сўм / %) <b>Показатель ЕБИТДА</b> (млн.сўм / %)	17 537	118 560	123 458	98 580	-24878	80	29 560	23 440	23 336	22 243	
8.	Дебиторлик қарздорлиги Дебиторская задолженность	83 708	98 192	98 692	48 500	-50192	49	81 692	76 989	61 109	48 486	
9.	Кредиторлик қарздорлиги Кредиторская задолженность	52 538	14 290	14 674	14 500	-174	99	17 517	16 731	18 505	14 500	

Харажатларнинг ўсиши 2021 йилнинг кутилаётган кўрсаткичларига қуйидаги нисбатда прогноз қилинмоқда:

- таннарх – **28%** га;
- давр харажатлари – **20%** га ўсиш.

Соф молиявий натижа - фойда **74 148** млн.сўм миқдорида прогноз қилинмоқда.

## 2.4. СОФ ФОЙДАНИ ТАҚСИМЛАШ

4 Жадвал млн.сўм

№	Йўналишлар Направления	Улуши, % Доля, %	2020й. Якуни	2021й. Якуни (кутила- ётган)	2022й. Якуни (режа)	шу жумладан			
						1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
	<b>Соф фойда</b> <b>Чистая прибыль</b>	100%	(-)6 575	94 525	74 148	20 134	18 407	18 556	17 051
1.	Дивиденд учун жами, шу жумладан Итого по дивидендам, в том числе	-	-	-	-	-	-	-	-
	имтиёзли акцияларга на льготные акции	-	-	-	-	-	-	-	-
	оддий акцияларга, шундан: на обычные акции, из них:	-	-	-	-	-	-	-	-
	давлат улушига на государственную долю	-	-	-	-	-	-	-	-
2.	Инновацион ривожлантириш фондига В фонд Инновационного развития	-	-	-	-	-	-	-	-

№	Йўналишлар Направления	Улуши, % Доля, %	2020й. Якуни	2021й. Якуни (кутила- ётган)	2022й. Якуни (режа)	шу жумладан			
						1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
3.	Захира фондига В резервный фонд	-	-	-		-	-	-	-
4.	Корхонани ривожлантириш учун Для развития Предприятия	90%	-	85072		-	-	-	-
5.	Бошка мақсадлар учун Для других целей	10%	-	9 453		-	-	-	-

2020 йил якунига кўра корхона 6 575 млн. сўм зарар кўрди.

2021 йилга прогноз – фойдани, тақсимлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади: 10% - Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирлиги ва фуқаро авиацияси Агентлиги, 90% - Муассиснинг қарори бўйича.

## 2.5. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИГА ТЎЛОВЛАР

5 Жадвал

млн.сўм

№	Тўловлар Платежи	2020й.	2021й. 9 ойлк (факт)	2021й (кутила- ётган)	2022й. (режа)	Ўзгариш		Шу жумладан			
						+/-	%	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
<b>Жами/Всего</b>		<b>11 726</b>	<b>21 856</b>	<b>32 047</b>	<b>46 186</b>	<b>14 139</b>	<b>144</b>	<b>9 461</b>	<b>10 736</b>	<b>12 637</b>	<b>13 352</b>
1.	Билвосита солиқлар, шу жумладан: Косвенные налоги, в том числе:	(-) 3 298	(-) 30	398	(-)31	367	(-)8	(-)485	(-)240	457	237
	ҚҚС / НДС	(-) 3 298	(-) 30	398	(-)31	367	(-)8	(-)485	(-)240	457	237
	Акциз	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
2.	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ Налог на недропользование	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
3.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ Налог за пользование водными ресурсами	1	1	1	-	100	1	-	-	-	-
4.	Фойда солиғи Налог на прибыль	-	3 122	2 990	2 361	(-)629	79	640	586	590	545
5.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, катъий белгиланган микдордаги солиқ суммалари ва ижтимоий солиқ Налог на доходы физ.лиц, фиксированные суммы налога и социальный налог	12 120	18 065	27 765	42 855	15 090	154	9 055	10 140	11 340	12 320
6.	Мол-мулк солиғи Имущественный налог	94	267	356	408	52	115	102	102	102	102

№	Тўловлар Платежи	2020й.	2021й. 9 ойлк (факт)	2021й (кутила- ётган)	2022й. (режа)	Ўзгариш		Шу жумладан			
						+/-	%	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4чорак
7.	Ер солиғи	70	314	418	480	62	115	120	120	120	120
8.	Айланмадан олинадиган солиқ Налог получаемый с оборота	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
9.	Давлат божи ва йиғимлар Государственные пошлины и сборы (импортные таможенные пошлины)	1 982	113	113	100	(-)13	88	25	25	25	25
10.	Бошқа солиқлар Другие налоги	757	6	6	12	6	200	3	3	3	3

«Ўзаэронавигация» Маркази ДУК умумий белгиланган солиқларни тўловчиси бўлиб ҳисобланади:

1. Даромад солиғи
2. Тўлов манбасидан норезидентлар даромадидан юридик шахсларнинг даромад солиғи
3. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи
4. Ягона ижтимоий тўлов
5. Қўшилган қиймат солиғи (тўловчи сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома)  
2018 йил 17 ноябрдаги № 326010005092
6. Товарлар (хизматлар)ни импорт қилишда қўшилган қиймат солиғи
7. Мулк солиғи
8. Ер солиғи
9. Сув ресурсларидан фойдаланишга солиқ

Юқорида кўрсатилган солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига мувофиқ амалга оширилади.

Солиқ Кодексига мувофиқ Корхона имтиёзлардан фойдаланади:

- *қўшилган қиймат солиғи бўйича:*

263-модданинг 5-бандига мувофиқ, халқаро ташувлар билан боғлиқ хизматларни бевосита Ўзбекистон Республикаси аэропортларида ва Ўзбекистон Республикасининг ҳаво кенгликларида хорижий ҳаво кемаларига, шу жумладан, аэронавигацияни киритиш билан, ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш бўйича реализация қилишда (амалга оширишда) солиқ солиш нол ставка бўйича амалга оширилади;

- *ер солиғи бўйича:*

2021-йил 1-январдан бошлаб солиқ ставкаси 429-модданинг 5-қисмига мувофиқ, учиш-қўниш йўлаклари, ерда бошқариш йўлаклари ва ҳаво кемалари тўхтаб туриш жойлари, фуқаро авиацияси аэропортларининг радионавигацион ва электр ёритиш ускуналарини эгаллаб турган ер участкалари учун солиқ ставкаларига 0,25 коэффициент қўлланилади.

- *мулк солиғи бўйича:*



2021 йил 1 январдан бошлаб Солиқ ставкаси 415 модда 4-қисмига мувофиқ, алоқа линиялари ва электр узатиш линияларига, шунингдек ушбу объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотларга нисбатан солиқ ставкаси 0,4 фоиз миқдорида белгиланади;

- даромад (фойда) солиғи бўйича:

337-модданинг 6-банди ва 8-қисмига мувофиқ, агар товарларни (хизматларни) экспорт қилишдан олинган даромад умумий сумманинг 15 фоизидан ортиқ бўлса, экспорт учун товарларни (хизматларни) сотишдан олинган фойдани солиққа тортиш нол ставка бўйича амалга оширилади.

шунингдек, белгиланган имтиёзлар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 29-ноябрдаги ПФ-5587-сон Фармони билан, товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан тушган умумий тушумдаги экспорт улуши 15 фоиздан ортиқ бўлса, экспорт учун товарларни (ишларни, хизматларни) сотиш ҳажмига боғлиқ бўлган, фойда бўйича юридик шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича солиқ солинадиган базанинг камайиши белгиланган. Ушбу имтиёз 2019-йил 1-январдан жорий этилган.

## **2.6. КОРХОНАНИНГ ҚАРЗДОРЛИГИ**

### **2.6.1. КОРХОНАНИНГ ТАШҚИ ҚАРЗИ**

**3-сонли Иловада** корхонанинг ташқи қарздорлиги кўрсатилган.

«Ўзаэронавигация» Маркази ДУК «Аления Маркони Системз» (Италия) ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ўртасида тузилган, контракт бўйича кредит мажбуриятларига эга. Контрактни молиялаштириш ҳукумат кафолати остида ўтказилган: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 17.12.1996 йилдаги UZB-P3 ва от 14.12.1996 йилдаги UZB-P5 ва JVIC (Япония) контрактлари.

Ҳозирги вақтда, 2018 йил 27 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5584-сонли Президент Фармони асосан, JVIC банки билан Агентлик келишуви (Япония халқаро ҳамкорлик банки), Япония халқаро ҳамкорлик агентлигига айлантирилган.

Агентлик келишувларига киритилган Тузатишларга мувофиқ «Ўзаэронавигация» Маркази ДУК 2-сонли ижрочи Агент сифатида «Uzbekistan Airways» АЖнинг барча мажбуриятини **57,35%**га тенг улушини ўз зиммасига олади.

Кредит бўйича ҳисоб-китоблар тўловлар жадвалига мувофиқ 2029 йилгача амалга оширилади.

Маълумот учун:

- **2022 йилда** тўланиши лозим бўлган сумма миқдори **565,39** млн. япон йенаси.

*шу жумладан:*

- 2022 йил июнда тўланиши лозим бўлган сумма миқдори **284,21** млн. япон йенаси.
- 2022 йил декабрда тўланиши лозим бўлган сумма миқдори **281,18** млн. япон йенаси.

## 2.6.2. ЎАНМ ДУКнинг кредиторлик ва дебиторлик қарздорликлари

### Кредиторлик ва дебиторлик қарздорликлар

6 Жадвал млн.сўм

№	Кўрсаткичлар Показатели	Ҳисобот даври бошига На начало отчётного периода	Шу жумладан			
			01.04.2022й	01.07.2022й	01.10.2022й	01.01.2023й
1.	<b>Дебиторлик қарздорлик жами,</b> <i>шу жумладан:</i> <b>Общая дебиторская</b> <b>задолженность, в том числе:</b>	98 692	81 692	76 989	61 109	48 486
	<i>муддати ўтган қарздорлик, шундан просроченная дебиторская задолженность из них</i>	497	511	518	526	145
	<i>умидсиз қарздорликлар безнадежные задолженности</i>	386	393	399	405	24
2.	<b>Кредиторлик қарздорлик жами,</b> <i>шу жумладан:</i> <b>Общая кредиторская</b> <b>задолженность,</b> <i>в том числе:</i>	14 674	17 517	16 731	18 505	14 500
	<i>муддати ўтган қарздорлик просроченная задолженность</i>	-	-	-	-	-

Ушбу муддати ўтган дебиторлик қарзлари Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудида транзит рейсларини амалга оширувчи хорижий авиакомпанияларга кўрсатилган аэронавигацион хизматлари учун тўловни тўламаганлиги ва «Uzbekistan Airways» АЖнинг ҳуқуқий вориси бўлган “Ўзбекистон ҳаво йўллари” АЖ билан ўзаро ҳисоб-китоблари бўйича вужудга келди

Жаҳон амалиётига мувофиқ ҳар қандай давлатнинг ҳаво ҳудудидан транзит фойдаланиш бўйича аэронавигацион хизматлари шартномаларсиз тақдим этилади. Ҳеч бир давлат кўрсатилган хизматлар учун 100% қамровга эга эмас. Жаҳон амалиётида аэронавигация хизматлари учун тўлов фоизлари 98 -99% ни ташкил қилади.

Ҳаво ҳудудидан транзит фойдаланиш пайтида кўрсатилган аэронавигацион хизматлар учун тушумларнинг олинмаслиги авиакомпанияларнинг банкротлиги, Авиакомпания эксплуатантни Сертификатидан маҳрум қилиниши, ҳаво кемаси лизингини тугаши, авиакомпания парвозлари географиясининг ўзгариши ва ҳаво кемаси ҳалокати билан боғлиқдир.

Евроконтроль (Европанинг аэронавигацион хавфсизлиги ташкилоти) (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 ноябрдаги ПФ-5584-

сонли қарори, 16-банд, 3-хат боши) «Ўзаэронавигация» Маркази ДУКнинг Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудидан транзит фойдаланишда аэронавигацион хизматлари учун йиғимларни ундириш бўйича Агенти бўлиб ҳисобланади. Евроконтрольнинг функционал мажбуриятларига «Ўзаэронавигация» Маркази ДУКнинг номидан авиакомпанияларга ҳисоб варақларини тўлаш, кўрсатилган хизматлар учун маблағ йиғиш ва ўтказиш, ўз вақтида тўламаган авиакомпанияларга даъво қилиш киради.

Ўз навбатида, «Ўзаэронавигация» Маркази ДУК мавжуд бўлган муддати ўтган дебиторлик қарзларини бартараф этиш учун қуйидаги чораларни кўрмоқда:

- қарздор авиакомпанияларга аэронавигацион хизматларини кўрсатиш тўхтатилмоқда;
- қарздор - авиакомпанияга нисбатан даъволар қилинмоқда;
- авиакомпаниялари қарздор бўлган давлатларнинг авиацион маъмурлари билан ёзишмалар олиб борилмоқда;
- ушбу масалани ҳал этишда ёрдам бериш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, авиакомпаниялари қарздор бўлган давлатларнинг элчихоналари жалб қилинган.

Муддати ўтган дебиторлик қарзларини суд тартибида тугатиш масаласини ҳал қилиш имкони йўқ, чунки авиакомпаниялар билан тўғридан-тўғри шартномалар мавжуд эмас.

Маҳаллий (ёки халқаро) адвокатларни ёллаш «Ўзаэронавигация» Маркази ДУК учун ортиқча ишлаб чиқариш харажатларига олиб келади: хизматлар учун тўловлар, авиачипталар ва хизмат сафари харажатлари, чунки қарздорлар - хорижий авиакомпаниялар, суд харажатлари. Кўпгина ҳолларда, қарз миқдори санаб ўтилган харажатлардан анча паст. Шуни ҳам таъкидлашни истаймизки, «Ўзаэронавигация» Маркази ДУКнинг ишлаб чиқариш фаолияти туну кун амалга оширилади ва компания қарздор авиакомпанияларнинг ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш учун қўшимча харажатларни талаб қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 ноябрдаги ПФ-5584-сонли Фармонининг 11-банди в) банд остига мувофиқ, «Ўзаэронавигация» Маркази ДУКга чет эл авиакомпанияларидан 24 ой давомида Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудидан транзит фойдаланиш пайтида аэронавигация хизматларини кўрсатишда юзага келган муддати ўтган дебиторлик қарзларини йиғиш ҳуқуқи берилди.

«Ўзаэронавигация» Маркази ДУКда муддати ўтган дебиторлик қарзларини тугатиш бўйича ишлар доимий равишда олиб борилмоқда ва корхона раҳбариятининг доимий назоратида турибди.

Корхонанинг муддати ўтган кредиторлик қарзи йўқ.

### **3. КОРХОНАНИНГ ЭКСПОРТИ ВА ИМПОРТИ**

#### **3.1.ЭКСПОРТ ХИЗМАТИ**

«Ўзаэронавигация» Маркази ДУК асосий экспорти - бу Ўзбекистон Республикасининг ҳаво ҳудудида (Ўзбекистон Республикаси ҳудуди устидан учиб ўтувчи) резидент бўлмаган ва Ўзбекистон Республикаси аэропортларида кўниш билан парвозларни амалга оширувчи авиакомпанияларга аэронавигацион хизматларини кўрсатиш ҳисобланади.

«Ўзаэронавигация» Маркази ДУК, малакали мутахассислар ва замонавий радиотехника ускуналарга эга бўлиб, ҳаво кемалари парвозларини таъминлаш учун дунёнинг турли авиакомпанияларининг барча ҳаво кемаларига аэронавигацион хизматни *тўлиқ тақдим этишига тайёр*.

### ***1. Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудидан транзит фойдаланишида ҳаво кемаларига аэронавигацион хизмат кўрсатиши:***

Хизматлар шартномаларсиз тақдим этилади, кўрсатилган хизматлар учун тўловлар Европа Парвозлар Хавфсизлиги Ташкилоти (EUROCONTROL) томонидан «Ўзаэронавигация» Маркази ДУК ва Евроконтроль ўртасида тузилган Агентлик шартномаси асосида олинади.

«Ўзаэронавигация» Маркази ДУК, авиакомпанияларга Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйича қулай йўналишларни тақдим этади, аммо **танлов** қуйидагилардан келиб чиқиб **авиакомпания ихтиёрида қолади:**

- Кўшни давлатларнинг самовий ҳудудида чекланган зоналарнинг мавжудлиги. Мисол: «Капустин яр» полигони Россия/Қозоғистон. Транзит оқими узунлиги минг километрдан ортиқ бўлган Ҳаво Кемаларининг қатновлари учун тақиқланган зонани айланиб ўтишга мажбур ва натижада транзит оқими Каспий денгизи орқали Ўзбекистоннинг ғарбидан ўтиб кетади);

- Давлатларнинг авиацион органлари ўртасида келишувларнинг йўқлиги;

- Жаҳон иқтисодий инқирози оқибатида самовий ҳудуддан фойдаланувчилар сонини камайиши (авиацион ташувлар тарифларининг ўсиши, авиацион керосинининг нархини ошиши) ;

- Иқлим омиллари (шамол йўналиши ва тезлиги крейсер эшелонларида ўзгариши, вулқонлик фаолияти ва бошқалар) туфайли Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланувчилар томонидан парвозлар йўналишларини ўзгартириши.

- «COVID – 19» пандемияси дунёнинг кўплаб авиакомпанияларининг банкротлигига олиб келди ва аэронавигацион хизматлари провайдерларининг фаолиятига салбий таъсир кўрсатди, мунтазам йўловчиларни авиаташуви деярли бутунлай тўхтатилди.

-«COVID – 19» пандемиясига қадар Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида ўртача бир ой давомида йилнинг вақтига қараб, **120** дан **150** тагача авиакомпанияларнинг рейслари амалга оширилган. Апрель – август ойларида хизмат кўрсатган ҳаво кемалари сони **4 000** та, сентябрь – март ойларида эса **5 000** тагача ҳаво кемасига тўғри келган. Энг юқори даври октябрь-февраль ойлари ҳисобланади.

2020 йил апрель – август даврида ойига ўртача **1 312** та ҳаво кемаларига хизмат кўрсатилди (2019 йилга нисбатан камайиш **69%** га), январь - март ва сентябрь - декабрь даврида ойига ўртача **3 945** та ҳаво кемаларига хизмат кўрсатилди (2019 йилга нисбатан камайиш **21%** га).

2021 йил апрель – август даврида ойига ўртача **3 436** та ҳаво кемаларига хизмат кўрсатилди (2020 йилга нисбатан ўсиш **162%** га), январь - март ва сентябрь - октябрь даврида ойига ўртача **3 328** та ҳаво кемаларига хизмат кўрсатилди (2020 йилга нисбатан камайиш **16%** га).

Хизмат кўрсатиладиган ҳаво кемалари сонининг камайишига сабаб Афғонистон Ислом Республикасида сиёсий вазиятнинг ўзгаришидир.

- Дунёдаги сиёсий вазиятни ўзгариши

2021-йилнинг август ойидан бошлаб Афғонистон Ислом Республикасида Толибон ҳаракати ҳокимиятга келиши билан Афғонистон ҳудудига кирган MILSO - Термиз - AMDAR ҳаво йўлаги (коридори) бўйлаб ҳаво кемаларининг рейслари деярли тўхтатилди.

Ушбу ҳаво йўлагидан (коридордан) ойига ўртача, қиймати қарийб **400** минг АҚШ доллари суммаси атрофида бўлган **1 000** га яқин ҳаво кемалари ўтар эди.

Ҳозирда MILSO - Термиз- AMDAR ҳаво йўлаги (коридори) орқали, ойига қиймати **573,5** АҚШ долларига тенг суммаси миқдорида **4** та ҳаво кемаси учиб ўтмоқда.

Ҳозирги пайтда «Ўзаэронавигация» Маркази ДУК фойдаланувчиларни Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудига жалб этиш бўйича ишларни олиб бормоқда: авиакомпанияга хатларни юбормоқда ва «Памир йўлаги» («Памирский коридор») дан фойдаланиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Агар 2021 йил 18 августдан бошлаб ушбу йўлакдан (коридордан) фақат United Airlines авиакомпанияси фойдаланган бўлса, ҳозирги кунда музокаралар йўли орқали British Airways, UPS, Virgin Atlantic ва KLM кўшимча авиакомпанияларини жалб қилишга эришилди. Lufthansa ва Волга-Днепр авиакомпаниялари билан музокаралар олиб борилмоқда.

Бу йўлакдан (коридордан) фойдаланиш муаммоси юқори тоғли ҳудудлардир ва шу муносабат билан ҳаво кемалари учун юқори босим (разгерметизация) ҳолатида, бортда етарли кислородга эга бўлиш талаби қўйилган. Жумладан, B747, B777, B787 турдаги ҳаво кемалар ушбу ҳудудда хавфсиз парвоз қилиши мумкин, A350 турдаги ҳаво кемаларига эса бу ҳудудда парвоз қилишига йўл қўйилмайди. Шунга асосланиб, Finnair ва Сингапур авиалиниялари ушбу ҳудудда учишни рад этган, чунки асосий паркни Airbus оиласининг ҳаво кемалари ташкил қилади.

Бироқ шуни таъкидлаш керакки, «Памир йўлаги» («Памирский коридор») бўйича (A237 LANOL-MIRVI ёки TULGA-INKAR участкаси)

бўйлаб масофа (аэронавигацион хизмат кўрсатиш учун йиғим қисмини ташкил этадиган) MILSO - Термез- AMDAR (86 денгиз миллари 445 денгиз милларига нисбатан мос равишда) масофадан 5 марта кам, ва шунинг учун битта ҳаво кемасининг парвози учун олинадиган даромад сезиларли даражада камаяди.

## ***2. Учиш/қўнишни таъминлаш вақтида ҳаво кемаларига аэронавигацион хизмат кўрсатиши***

Ушбу хизматлар норезидент - авиакомпаниялар билан тузилган шартномалар асосида тақдим этилади, улар фақат норезидент авиакомпания аэропорт билан ердаги хизмат кўрсатиш шартномасини тузганидан сўнг тузилади.

2020 йил учун аэронавигацион хизматлари экспорти **16 434** минг АҚШ долларини ташкил этди (2019 йилга нисбатан **38%** га камайиш), шу жумладан:

- самовий ҳудуддан транзит фойдаланишда - **11 909** минг АҚШ доллари (2019 йилга нисбатан **32,3%** га камайиш);
- учиш - қўнишни таъминлашда - **4,525** минг АҚШ доллари (2019 йилга нисбатан **48,3%** га камайиш)

2021 йил якунлари бўйича **22,850** минг АҚШ доллари миқдорида экспорт қилиш режалаштирилмоқда (2020 йилга нисбатан ўсиш **39%**га, белгиланган прогнозга **1,5%**), шу жумладан:

- самовий ҳудуддан транзит фойдаланишда - **11 651** минг АҚШ доллари (2020га нисбатан камайиш **2,2%**га, белгиланган прогнозга ўсиш **5,8%** га);
- учиш - қўнишни таъминлашда – **11 199** минг АҚШ доллари (2020 йилга нисбатан ўсиш **147%**; белгиланган прогнозга камайиш **2,6%** га)

2022 йилга аэронавигацион хизматлари экспорти прогнози - **25 200** минг АҚШ доллари (2021 йилга нисбатан ўсиш **10%**га), шу жумладан:

- самовий ҳудуддан транзит фойдаланишда – **12 340** минг АҚШ доллари (2021 йилга нисбатан ўсиш **6%** га);
- учиш - қўнишни таъминлашда – **12 860** минг АҚШ доллари (2021 йилга нисбатан ўсиш **15%** га).

### **Изоҳ:**

**1. Шунинг ҳисобга олиш керакки, рейслар хорижий авиакомпаниялар томонидан қайта тикланганда ва уларнинг рейслари кўпайтирилганда, миллий авиаташувчи йўловчиларни қисман йўқотади;**

**2. Кўпгина авиакомпаниялар бугунги кунда ҳаво кемаларнинг турларини енгилроқ турига ўзгартирмоқда, бу эса ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш учун аэронавигацион ва аэропорт йиғимларига таъсир қилмоқда.**

*Малумот учун: рейс нархини ҳисоблашнинг асосий омиллари ҳаво кемасининг максимал учуш оғирлиги (учуш / қўнишни таъминлаш ва транзит парвозлари вақтида ҳаво кемасининг учуш массаси ва масофаси) бўлиб ҳисобланади: Ҳаво кемаси қанча енгил бўлса, рейс нархи шунча паст бўлади.*

**4-Иловада** хизматлар экспорти бўйича прогноз қилинган кўрсаткичлар келтирилган.

### **3.2. ЎАНМ ИМПОРТИ**

Корхонанинг импорти бу корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун ускуналар ва хизматларни сотиб олиш бўлиб, улар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайди (тақдим этилмайди). Сотиб олинadиган хизматлар бўйича шартномалар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ танлов асосида / тендер асосида тузилади.

6-иловада хизматлар импортининг прогноз кўрсаткичлари келтирилган.

### **4. ЎАНМ ДУК ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРИ**

«Ўзаэронавигация» Маркази ДУКнинг барча инвестицион лойиҳалари ПРТТ (парвозларни радио техника таъминоти) асбоб-ускуналарини янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган. Корхонада мавжуд бўлган эскирган ПРТТ асбоб-ускуналари 68% ни ташкил этади.

**5-Иловада** келтирилган лойиҳалар қопланмайди, лойиҳа фаолиятини амалга ошириш фақат парвозлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилади ва корхонанинг қўшимча даромад олишига таъсир қилмайди.

### **5. САМАРАДОРЛИКНИНГ МУҲИМ КЎРСАТКИЧЛАРИ (КРІ)**

**7-Иловада** корхонанинг муҳим самарадорлик прогноз кўрсаткичлари келтирилган.

«Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида»ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сон Қарорининг Иловаси) мувофиқ, корхона Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини (кейинги



ўринларда СМК) ишлаб чиқиши лозим. Ушбу СМК корхонанинг молиявий ҳисоботи ва прогноз кўрсаткичлари асосида ишлаб чиқилади.

Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари **корхона самарадорлигини аниқлаш учун ишлатиладиган** ва миқдори аниқланиши мумкин бўлган, баҳолаш мезонларини намоён қилади:

## 1. Асосий СМК

1.1. **Амалга оширишдан соф тушум прогнозини бажариш** (минг.сўм) – корхонанинг молиявий ҳолатини тавсифлайди, сотиш ҳажмини, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан олинган пул миқдорини, кўрсатилган хизматларни, бажарилган ишларни кўрсатади.

Прогноз кўрсаткичи = **336 117 417 минг сўм** йил якуни бўйича, салмоқ ўлчови = **15**.

Кўрсаткични динамикада ва бизнес-режа билан таққослашда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

1.2. **Соф даромад прогнозини бажариш (зарар)** (минг.сум) - ташкилот фаолиятининг натижасини кўрсатади ва ушбу турдаги фаолиятни амалга ошириш қанчалик фойдали эканлигини кўрсатади.

Прогноз кўрсаткичи = **74 145 233 минг сўм** йил якуни бўйича, салмоқ ўлчови = **15**.

Кўрсаткични динамикада ва бизнес-режа билан таққослашда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

1.3. **Активлар рентабеллиги (%)** - ташкилотнинг молиявий ва иқтисодий фаолиятининг рентабеллиги (зарарли) даражасини кўрсатади. Агар ҳисобот даврида рентабеллик коэффициентлари: нолдан (минус кўрсаткичидан) пастроқ бўлса, ташкилот фойдасиз деб ҳисобланади; 0,05 дан паст қийматга эга бўлса, ташкилот кам даромадли ҳисобланади (монополист корхоналар бундан мустасно).

Прогноз кўрсаткичи = **0,13** йил якуни бўйича, салмоқ ўлчови = **8**

1.4. **Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициенти** - корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларини юклаб олиш даражасини тавсифлайди, бу маҳсулотнинг ҳақиқий ҳажмини энг юқори даражага (ижарага олинган ва консерваланган қувватларни ҳисобга олмаган ҳолда) нисбати сифатида ифодаланади. Агар ҳисобот даврида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициенти 0,5 ёки ўрта тармоқдан паст бўлса, унда ушбу ташкилот ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишнинг паст даражасига эга.

Прогноз кўрсаткичи = **102 166** йил якуни бўйича, салмоқ ўлчови = **8**

1.5. **Қоплама коэффициенти (тўлов қобилияти)** - ташкилотнинг қисқа муддатли мажбуриятларининг тўлов имкониятларини кўрсатади, фақатгина қарздорлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоблар ва тайёр маҳсулотни қулай сотиш билан эмас, балки жорий (айланма) активларнинг бошқа элементлари билан баҳоланади. Ушбу коэффициентнинг энг кам қиймати – 0,2. Ҳисобот даврининг охирида тўлов қобилияти коэффициенти 1,25 дан паст бўлса,

ушбу кўрсаткич бўйича ташкилот тўловга лаёқатсиз ҳисобланади. Коэффициентнинг пасайиши ташкилотнинг тўлов имкониятларини камайтиришни кўрсатади.

Прогноз кўрсаткичи = **10,01** йил якуни бўйича, салмоқ ўлчови = **13**

**1.6. Молиявий мустақиллик коэффициенти** - қисқа муддатли қарз маблағларининг ўз манбалари билан қайтарилиши таъминланганлик даражасини белгилайди. Агар ҳисобот даврининг охирида ўзининг ва қисқа муддатли қарз маблағларининг коэффициент нисбати 1 дан кам бўлса, бу ташкилотнинг молиявий хавфининг мавжудлигини кўрсатади. Коэффициентнинг пасайиши ташкилотнинг молиявий хавфини оширади.

Прогноз кўрсаткичи = **24,64** йил якуни бўйича, салмоқ ўлчови = **13**

**1.7. Экспорт параметрларини бажариш кўрсаткичи** (белгиланган вазифага нисбатан %да) - мақсадли кўрсаткич (прогноз) тегишли давлат дастури ёки корхонанинг ваколатли бошқарув органи томонидан белгиланади.

Прогноз кўрсаткичи = **25 200** минг АҚШ доллари йил якуни бўйича, салмоқ ўлчови = **15**

**1.8. Чет эл валютасидан мустақиллик коэффициенти** – импорт ва экспорт нисбати. Импорт қилинадиган товарлар учун тўловлар товарлар экспорти билан қопланганлиги даражаси. Агар қиймат 1 дан кам бўлса – ижобий, 1 дан ортиқ бўлса, у салбий бўлади.

Прогноз кўрсаткичи = **0,26** йил якуни бўйича, салмоқ ўлчови = **13**

## 2. Қўшимча СМК

**1.1. Фоизлар, солиқлар ва амортизация олдидан фойда (EBITDA - Earnings Before Interest, Taxes, Depreciation & Amortization).** Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари бўйича ҳисоботларни чоп этишга ўтишдан кейин тўлдирилади. Ташкилотга қарз юкининг кўрсаткичи, унинг соф пул оқими билан кредиторларга қарзини тўлаш қобилиятини тавсифлайди. Умуман олганда, қиймат қанчалик баланд бўлса, ташкилот яхши ишлайди.

Прогноз кўрсаткичи = **98 580 487** минг сўм йил якуни бўйича, салмоқ ўлчови = **30**

**1.2. Даромадлар ва харажатлар нисбати (CIR - Cost Income Ratio).** Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари бўйича ҳисоботларни чоп этишга ўтишдан кейин тўлдирилади. Даромад билан боғлиқ операцион харажатлар (савдо харажатлари, савдо ва бошқарув харажатларини ўз ичига олган) нисбатларини билдиради. Умуман олганда, қиймат қанчалик паст бўлса, ташкилот яхши ишлайди.

Прогноз кўрсаткичи = **0,66** йил якуни бўйича, муайян вазни = **15**

**1.3. Мутлақ ликвидлик коэффициенти** - Кўрсаткич ташкилот ликвидлигининг энг қатъий мезонидир ва агар керак бўлса, қисқа муддатли қарз мажбуриятларининг қайси қисмини дарҳол тўлаш мумкинлигини кўрсатади. Норматив 0,2 дан кам эмас.

Прогноз кўрсаткичи = **5,6** йил якуни бўйича, салмоқ ўлчови = **20**

**2.4. Кредиторлик қарздорлиги айланмаси** (кунларда) - ушбу коэффициент ташкилотнинг кредиторлик қарзининг ўртача қийматини қанча кунга тўлашини кўрсатади. Юқори қиймат ташкилотга ҳозирги фаолиятни шартли равишда бепул молиялаштириш манбаи сифатида тўланмаган қарзлар кредиторлик қолдиғига эга бўлиш имконини беради.

Прогноз кўрсаткичи = **16** кун йил якуни бўйича, салмоқ ўлчови = **5**

**2.5. Дебиторлик қарздорлиги айланмаси** (кунларда) - ташкилотнинг дебиторлик қарзларини тўлаш тезлигини, ташкилот ўз миждасидан сотилган товарлар (ишлар, хизматлар) учун тўловни қанчалик тез қабул қилишини ўлчайди. Умуман олганда, қиймат қанчалик паст бўлса, яъни тезроқ харидорлар ўз қарзларини тўлайдилар, бу ташкилот учун яхшироқдир. Прогноз қилинган қиймат = **80** кун йил якуни бўйича, салмоқ ўлчови = **5**

**2.6. Ходимларни ўқитиш харажатлари** ( ҳар бир ходим учун ҳисоб-китоб қилиш) - ходимларни ўқитиш харажатларининг ходимларнинг ўртача сонига нисбатларини баҳолаш орқали самарадорликни тавсифлайди.

Прогноз кўрсаткичи = **4 905** минг сўм 1 та ходимга йил якуни бўйича, салмоқ ўлчови = **10**

**2.7. Кадрлар алмашинуви коэффициенти** - ташкилот ходимларининг сони қанчалик камайганлигини кўрсатади.

Коэффициент факт бўйича ҳисобланади, муайян вазни = **7**

**2.8. Энергия самарадорлиги** (ишлаб чиқариш харажатлари таркибида энергия харажатларининг улуши) - энергия самарадорлигини энергия харажатлари ва ишлаб чиқариш харажатлари нисбати билан тавсифлайди.

Прогноз кўрсаткичи = **0,2** йил якуни бўйича, салмоқ ўлчови = **8**

Асосий СМК рўйхати билан (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 декабрдаги 775-сон қарорига Илова) кўрсаткичларнинг салмоқ ўлчови аниқланган, белгиланган салмоқ ўлчовини ўзгариши ваколатли бошқарув органи билан келишилган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Қўшимча СМКнинг салмоқ ўлчовини корхона мустақил равишда ишлаб чиқади.

## **6. ИШ ҲАҚИ**

**Корxonанинг меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирлиги билан келишилган меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низомларга мувофиқ шакллантирилади.**

**2022 йилда Меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармасининг (МХЖ) ўсиши, 2021 йилга нисбатан 54% га прогноз қилинмоқда.** Сабаби: 2020 йилнинг 1-ярм йиллиги давомида «COVID-19» «Ўзаэронавигация» Маркази ДУК мутахассисларининг иш ҳақи даражасига салбий таъсир кўрсатишда давом этди. Фақат 2021 йилнинг август ойидан бошлаб, 2020 йилнинг 1-апрелига

кадар амал қилган, қўшимча тўловлар ва нафақалар тўлиқ тикланиб, 2021-йилнинг сентябридан бошлаб эса ходимларга 30 фоизга иш ҳақи оширилди.

**Ходимларнинг ўртача рўйхат соннинг ўсиши 1 тага прогноз қилинади.**

**8-Илова - иш ҳақи ҳақида маълумот.**

## **7.«ЎЗАЭРОНАВИГАЦИЯ» МАРКАЗИ ДУК ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

Корхона доимий равишда Ўзбекистон Республикасининг ҳаводаги кенгликларига фойдаланувчиларни жалб қилиш ва ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган харажатларни қисқартириш бўйича ишларни олиб бормоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси ҳаводаги кенгликларидан транзин фойдаланиш вақтида ҳаво кемалари парвозларининг трафигига таъсир кўрсатувчи, ташқи омиллар мавжуд:

- Қўшни давлатларнинг ҳаводаги кенгликларида чеклов зоналарининг мавжудлиги. Мисол: “Капустин” Яр полигони, Россия / Қозоғистон. Транзит оқим узунлиги минг километрдан ортиқ бўлган ҳаво кемалари парвозлари учун тақиқланган ҳудудни четлаб ўтишга мажбур бўлади ва натижада транзит оқими Каспий денгизи орқали Ўзбекистоннинг ғарбий қисмига тўғри келади);

- Давлатларнинг авиация ҳокимликлари ўртасида келишувларнинг йўқлиги;

- Жаҳон иқтисодий инқирози туфайли ҳаводаги кенгликлардан фойдаланувчилар сонини камайиши, ҳаво транспорти тарифларининг ошиши, (авиацион ташувлари тарифларининг ўсиши, авиация керосини нархини ошиши);

- Иқлим омиллари (крейсер эшелонларида шамол йўналиши ва тезлигининг ўзгариши, вулқон ҳаракатлари ва ҳ.к. ) туфайли Ўзбекистон Республикасининг ҳаводаги кенгликларида фойдаланувчилар томонидан маршрутларни ўзгариши.

- «COVID – 19» пандемияси дунёнинг кўплаб авиакомпанияларининг банкротлигига олиб келди ва аэронавигацион хизматлари провайдерларининг фаолиятига салбий таъсир кўрсатди, мунтазам йўловчиларни авиаташуви деярли бутунлай тўхтатилди..

- Дунёдаги сиёсий вазиятни ўзгариши

Мисол: 2021-йилнинг август ойидан бошлаб Афғонистон Ислон Республикасида Толибон ҳаракати ҳокимиятга келиши билан Афғонистон ҳудудига кирган MILSO - Термиз - AMDAR ҳаво йўлаги (коридори) бўйлаб ҳаво кемаларининг рейслари деярли тўхтатилди.

Ҳозирги пайтда «Ўзаэронавигация» Маркази ДУК фойдаланувчиларни Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудига жалб этиш бўйича ишларни олиб бормоқда: авиакомпанияга хатларни юбормоқда ва «Памир йўлаги» («Памирский коридор») дан фойдаланиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Агар 2021 йил 18 августдан бошлаб ушбу йўлакдан (коридордан) фақат United Airlines авиакомпанияси фойдаланган бўлса, ҳозирги кунда музокаралар йўли орқали British Airways, UPS, Virgin Atlantic ва KLM кўшимча авиакомпанияларини жалб қилишга эришилди. Lufthansa ва Волга-Днепр авиакомпаниялари билан музокаралар олиб борилмоқда.

Ушбу омиллар «Ўзаэронавигация» Маркази ДУКнинг жавобгарлиги зонасида ҳаво кемалари интенсивлигига салбий таъсир кўрсатиши ва шунга мувофиқ аэронавигация хизматлари учун даромаднинг пасайишига олиб келиши мумкин.

Аэродром ҳудудида ҳаво кемалари парвозларининг трафигини ошиши аэропортларга боғлиқ: авиакомпаниялар билан янги шартномалар тузишда, аэронавигация хизматлари учун шартномалар тузилади.

Корхона доимий равишда харажатларни камайтириш бўйича чоратадбирларни амалга оширмоқда: асосий Радио Техник Таъминоти объектларини модернизация қилиш жараёнида зарар келтирмайдиган узоқда жойлашган объектларни ёпиш, Ҳаводаги Ҳаракатни Бошқариш Марказларини кенгайтириш, Тошкент Ҳаводаги Ҳаракатни Бошқариш Автоматлаштирилган Тизими Марказидан ҳаводаги ҳаракатни бошқариш функцияларини ўтказиш ва бошқалар.

## **8. КОРХОНАНИНГ МУАММОЛИ МАСАЛАЛАРИ ВА УЛАРНИ ЕЧИШ ЙЎЛЛАРИ**

### **1. Аэронавигацион фаолияти:**

Ўзбекистон Республикаси ҳаводаги ҳудудидан транзит фойдаланиш вақтида мавжуд Ҳаво Кемалари оқимининг ўзгариши қуйидаги омиллар таъсирига боғлиқ:

#### **1.1. Мамлакатлардаги сиёсий вазиятдаги ўзгаришлар**

Мисол сифатида: 2021 йил август ойидан бошлаб Афғонистон Республикаси ўз ҳудудида учадиган барча авиакомпанияларга парвоз чекловларини жорий этди. Хорижий авиакомпаниялар белгиланган ҳаво ҳудудини четлаб ўтувчи парвоз йўналишларини танлашга мажбур бўлдилар, бу эса ўз навбатида, нафақат Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудуди орқали, балки Марказий Осиё давлатлари транзит оқимида сезиларли таъсир кўрсатди.

**1.2. «COVID – 19» пандемияси туфайли ҳаво ҳудудидан фойдаланувчилар сонининг камайиши**

### **Ҳал қилиш бўйича таклиф:**

- Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги қарорлари юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш;

- ИСАО махсус гуруҳи доирасида ҳаводаги ҳаракатга хизмат кўрсатиш хизматлари бузилиши билан боғлиқ кутилмаган ҳолатларда (Contingency Plan) ҳаводаги ҳаракатни ташкил этиш бўйича ҳаракат режасини ўзининг ҳаводаги ҳудудида Афғонистон Республикаси томонидан амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

- қўшни давлатларнинг аэронавигацион хизматлари провайдерлари билан келишилган ҳолда, ҳаводаги ҳаракат оқимини қайта йўналтирилаётганлигини ҳисобга олган ҳолда Ҳаводаги Ҳаракатга Хизмат кўрсатиш йўналишларининг янги участкаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

## **2. Ўзбекистон Республикасида (Performance Based Navigation) характеристикасига асосланган навигацияни жорий этиш Режасини амалга ошириш жараёни.**

PBN нинг аниқлик хусусиятларига асосланган навигацияни амалга ошириш концепцияси характеристикаларга қўйиладиган талаблар аниқ ҳаво майдони концепцияси контекстида мўлжалланган парвозларни бажариш учун зарур бўлган аниқлик, яхлитлик, эксплуатацион тайёрлик, узлуксизлик ва функционаллик шаклида белгиланиши кераклигини билдиради. 2020 йилда «Ўзаэронавигация» Маркази ДУК юқори ҳаводаги кенгликларда зонал навигация йўналишларини жорий этиш орқали аниқлик хусусиятлари характеристикалари асосида навигацияни амалга оширишнинг биринчи босқичини яқунлади.

Кейинги босқичларда ИКАО - RNAV ва RNP спецификацияси бўйича қатъийроқ аниқлик характеристикалари ва қўнишга яқинлашиш схемалари бўлган йўналишларни киритиш йўли билан ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда.

Ўз навбатида, ўз вақтида амалга ошириш учун, бир қатор муаммолар мавжуд:

2.1. Аэродромлар ҳудудларида схемаларни (зонал навигация йўналишларини) ишлаб чиқиш учун асос бўлиб, ҳозирги вақтда Термиз, Урганч ва Андижон аэродромларида амалга оширилмаган WGS-84 халқаро форматидаги координата тизими ҳисобланади;

2.2. Аэродром ҳудудида зонал навигация йўналишларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун сертификатланган мутахассислар йўқ;

2.3 Аэродром ҳудудида зонал навигация йўналишларини ишлаб чиқиш учун махсус дастурий таъминот мавжуд эмас.

### **Ҳал қилиш бўйича таклиф:**

- Термиз, Урганч ва Андижон аэропортлари маъмуриятлари томонидан WGS-84 форматидаги координаталар бўйича тегишли геодезик

маълумотларни тақдим этиш ва ҳужжатларда аэронавигацион маълумотларни киритиш ва нашр этиш учун белгиланган маълумотлар билан таъминлаш;

- Аэродромлар ҳудудларида зонал навигация йўналишларини (валидация) ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича мутахассисларни тегишли ўқитишни ташкил этиш;

- Аэродром ҳудудида зонал навигация йўналишларини ишлаб чиқиш учун махсус дастурий таъминотни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотиб олишни ташкил этиш.

### **3.Хаво ҳудудининг тузилишини (структурасини) такомиллаштириш.**

#### **3.1. Янги Ҳаводаги Ҳаракатга Хизмат кўрсатиш йўналишларини жорий этиш/мавжуд бўлганини тўғрилаш.**

«Ўзаэронавигация» Маркази ДУК мутахассислари томонидан Ҳаводаги Ҳаракатга Хизмат кўрсатиш участкаларининг йўналишлари ишлаб чиқилмоқда, белгиланган тартибда жорий этилмоқда. Марказий Осиё минтақасида аксарият давлатлар ўзларининг молиявий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўз йўналишларини қурадилар, бу эса ўз навбатида қўшни давлатлар манфаатларига дахлдор ҚХХ кўрсатиш йўналишларининг янги йўналишлари бўйича келишиш муддатларини сунъий равишда кечиктиришга олиб келади.

#### **Ҳал қилиш бўйича таклиф:**

- Route Catalogue АТСга таклифлар киритиш билан RDGE (Route Development Group European) ICAO кенгашларида ҚХХ кўрсатишнинг янги йўналишларини муҳокама қилиш;

- «Евразия» Мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилишларида ҚХХ кўрсатишнинг янги йўналишларини муҳокама қилиш;

- Қўшни давлатларнинг Транспорт Вазирликлари (Авиацион маъмуриятлари) даражасида Ўзбекистон Республикаси томонидан таклиф этилаётган ҚХХ кўрсатиш йўналишларини йиғилишларда (учрашувларда) жорий этиш масаласини кўтариш.

### **4.Хаво кемалари парвозларини радиотехник таъминоти**

Ҳозирги вақтда 2030 йилгача ишлаб чиқилган харид режасига мувофиқ, Парвозларни Радио Техник Таъминоти ускуналарини модернизация қилиш ва сотиб олиш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу режага мувофиқ, мавжуд Парвозларни Радио Техник Таъминоти ускуналарини 90% гача модернизация қилиш зарур.

#### **Муаммо:**



Харид қилиш тўғрисидаги Қонунга мувофиқ, «Ўзаэронавигация» Маркази ДУК энг яхши таклифларни танлаш бўйича Тендер савдоларини ўтказди. Ушбу тартибот ускуналарни (унификацияси) бирлаштириш билан боғлиқ хусусиятларни ва сотиб олинган Парвозларни Радио Техник Таъминоти ускуналарини келгусида сақлаш ва таъмирлаш учун кадрларни тайёрлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳисобга олмайди.

#### **Ҳал қилиш бўйича таклиф:**

-Парвозларни Радио Техник Таъминоти ускунасини битта ишлаб чиқарувчидан сотиб олиш энг оқилона таклиф ҳисобланади. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирлиги томонидан тасдиқланган, «Ўзаэронавигация» Маркази ДУК учун Парвозларни Радио Техник Таъминоти ускуналарини етказиб бериш бўйича Ягона интеграторни танлаб олиш ва Парвозларни Радио Техник Таъминоти ускуналарини жаҳон ишлаб чиқарувчиларининг товар белгилари (маркалари) бўйича Тендер ҳужжатларида кўрсатма бериш имконияти тўғрисида тегишли органлардан (Ҳукумат Қарори) рухсат олиш талаб этилади.

-Тошкент Давлат Транспорт Университетининг «Авиация транспорт инжиниринги» факултети негизида халқаро тажриба аналоги бўйича Парвозларни Радио Техник Таъминоти мутахассисларини тайёрлаш, ўқитиш учун зарур ўқув жиҳозларини (тренажер ускуналарини) ўрнатиш учун лабораториялар ва амалий «ўқув майдончаси» («полигон»), яратиш таклиф этилади.

### **5.«Ўзаэронавигация» Маркази ДУКнинг молиявий масалалари**

#### **4.1. «Uzbekistan Airways» АЖнинг «Ўзаэронавигация» Маркази ДУК олдидаги муддати ўтган дебитор қарздорлиги.**

##### **Муаммо:**

2021 йил 1 ноябрь ҳолотида кўра «Uzbekistan Airways» АЖнинг «Ўзаэронавигация» Маркази ДУК олдидаги дебитор қарздорлиги **54,6** млрд. сўм миқдорида, шу жумладан:

- **49,5** млрд.сўм - «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ҳуқуқий вориси бўлган «Uzbekistan Airways» АЖ билан, ўзаро ҳисоб-китоблар (сальдоси) натижасида шаклланган **муддати ўтган дебитор қарздорлиги;**

- **5,1** млрд.сўм - кўрсатилган аэронавигацион хизматлари учун жорий дебитор қарздорлик.

«Ўзаэронавигация» Маркази ДУК томонидан «Uzbekistan Airways» АЖ манзилига бир неча бор мурожаат этилганига қарамай, ҳозирги вақтда муддати ўтган дебитор қарздорликни тўлаш масаласи ҳал қилинмаган, «Uzbekistan Airways» АЖ томонидан белгиланган муддати ўтган қарзларни тўлаш механизми бўйича таклифлар келиб тушмади.

### **Ҳал қилиш бўйича таклиф:**

Транспорт Вазирлигида, Молия Вазирлиги, «Uzbekistan Airways» АЖ, «Uzbekistan Airports» АЖ ва «Ўзаэронавигация» Маркази ДУК вакиллари иштирокида ушбу масалани муҳокама қилиш ва якуний қелишилган қарор қабул қилиш учун йиғилиш ўтказиш зарур.

### **4.2. Корхона томонидан йил охирида олинган, соф фойда тақсимоти.**

#### **Муаммо:**

Норматив қонун ҳужжатларига мувофиқ, корхона соф фойданинг маълум бир фоизини Давлат бюджетига ўтказди.

2021-йил якунларига кўра, корхона **90** млрд. сўмга яқин соф фойда олишни режалаштирмоқда. 2022 йил 1 сентябргача Давлат бюджетига ваколатли органлар томонидан белгиланган сумма (соф фойданинг 100% гача) ўтказилиши керак.

Бироқ, «Ўзаэронавигация» Маркази ДУК Самарқанд, Бухоро, Урганч аэропортларини модернизация қилиш лойиҳаси бўйича ташқи қарз мажбуриятларига эга (ҳар йили **65** млрд. сўм атропофида тўлов амалга оширилади).

Шунингдек, «Ўзаэронавигация» Маркази ДУК инвестиция лойиҳаларини амалга оширади, булар:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорига мувофиқ Термиз шаҳри аэропортида радиолокацион, радионавигацион ускуналарини модернизация қилиш ва янги ХХБ АТ (Ҳаводаги Ҳаракатни Бошқарш Автоматлаштирилган Тизими) биноси қурилиши лойиҳаси амалга оширилиши бошланди, лойиҳанинг тахминий қиймати тахминан **9** миллион АҚШ доллари, шу жумладан:

- ХХБ АТ (Ҳаводаги Ҳаракатни Бошқаршнинг Автоматлаштирилган Тизими) янги биноси қурилиши - **5,2** млн. АҚШ доллари (Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси эквивалентида);

- ХХБ АТ (Ҳаводаги Ҳаракатни Бошқаршнинг Автоматлаштирилган Тизими) ускуналарини ўрнатиш - **1,4** млн. АҚШ доллари

- диспетчерлик овозли алоқа коммутация тизими (VCCS) ва объектив назорат воситалари (магнитофонлар) билан авиацион ҳаводаги ва ер усти автоматлаштирилган электр алоқа тизими учун ускуналар ўрнатиш – **1,7** млн. АҚШ доллари;

- ILS қўниш тизими инструментал ускуналарини алмаштириш - **0,7** млн. АҚШ доллари;

- Тошкент аэропортида ILS қўниш тизими учун 2 та инструментал ускунани ўрнатиш лойиҳасини якунлаш - **0,9** млн. АҚШ доллари;

- Тошкент аэропортида диспетчерлик овозли алоқа коммутация тизими (VCCS) билан авиацион ҳаводаги ва ер усти автоматлаштирилган электр алоқа тизими ускуналарни сотиб олиш ва ўрнатиш - тахминий қиймати тахминан **2** млн. АҚШ доллари;

-Тошкент аэропортида ВРЛ учун иккиламчи радиолокатор ускунасини сотиб олиш - лойиҳанинг тахминан қиймати-1,5 млн. АҚШ доллари;

-Бухоро, Нукус, Қарши, Наманган шаҳарлари аэропортларида ILS қўниш тизими инструментал ускуналарини алмаштириш - тахминан қиймати 2,6 млн. АҚШ доллари;

«Ўзаэронавигация» Маркази ДУК инвестиция лойиҳаларининг умумий қиймати - 16 миллион АҚШ доллари атрафида ёки Ўзбекистон Республикаси миллий валютасига эквивалентда - 176 миллиард сўмни ташкил этади.

«Ўзаэронавигация» Маркази ДУК лойиҳаларни амалга оширилиши, ҳаво кемаларига аэронавигацион хизматларини кўрсатиш учун йиғилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Шу билан бирга, «Ўзаэронавигация» Маркази ДУК бюджетдан маблағ олмайди.

#### **Ҳал қилиш бўйича таклиф:**

«Ўзаэронавигация» Маркази ДУКни соф даромадни Давлат бюджетига ўтказишдан озод қилиш, ушбу маблағларни Ўзбекистон Республикаси аэропортларига қўниш билан ва Ўзбекистон Республикасининг ҳаводаги кенгликларида ҳаво кемалари парвозларни хавфсизлигини таъминлаш учун радиолокацион, радионавигацион ускуналарини харид қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга йўналтириш. Амалга ошириш муддати 2022 – 2023.

«Ўзаэронавигация» Маркази ДУК

Директори

МИБ Бонлиғи



Ашуров А. Х.

Ананова Н. А.

**2022 йилга**  
**«Ўзаэронавигация» Маркази Давлат Унитар Корхонасининг**  
**ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**  
**«ЙЎЛ ХАРИТАСИ»**

№ т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш тадбирлари	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочи	Изоҳ
<b>I. Аэронавигацион хизматларини кўрсатиш тартибларини такомиллаштириш</b>					
1.	Ўзбекистон Республикаси ҳаводаги кенгликлари тузилмасини қуйидаги йўллар билан такомиллаштириш:				
1.1.	Жанубий-Шарқий Осиёдан Европага ва орқага қайтиш транзит йўналишидаги мамлакатларнинг авиакомпаниялари фойдаланувчиларини Ўзбекистон Республикасининг ҳаводаги кенгликларига жалб қилиш;	Авиакомпанияларга ўз парвозларини Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали амалга ошириш бўйича таклифлар билан ушбу парвозларнинг афзалликларини тавсифловчи хатлар юбориш	доимий асосда	ХХТэ бўйича директор ўринбосари, ХХТэ бўйича Бошқармаси, ХҚФБ ЯТ БМ ФС, ААХ бошлиғи	
1.2.	- Ўзбекистон Республикасида РВНни жорий этиш режасини ривожлантиришни давом эттириш	РВН схемаларини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш	доимий асосда	ХХТэ бўйича директор ўринбосари, ХХТэ бўйича Бошқармаси, ААХ бошлиғи	
1.3.	Қўшни давлатлар билан келишилган ҳолда янги ХХХ кўрсатиш йўналишларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш	-Қўшни давлатларнинг ПАНОларидан истиқболли таклифлар келиб тушган тақдирда, ПВТ ва АИП-да янги ХХХ кўрсатиш йўналишларини нашр этиш; -ИКАО RDGE йиғилишларида иштирок этиш; -Қўшни давлатларнинг аэронавигацион хизматларини провайдерлари билан авиакомпаниялар-фойдаланувчилари учун парвоз йўналишларини тўғрилаш бўйича музокаралар олиб бориш	доимий асосда	ХХТэ бўйича директор ўринбосари, ХХТэ бўйича Бошқармаси, ААХ бошлиғи	

2.	Янги авиакompаниялар-фойдаланувчиларини, Ўзбекистон Республикаси аэропортларига парвозларини амалга оширишга жалб қилиш	Ўзбекистон Республикаси аэропортларида аэродромларда қўниш билан парвозларни амалга ошириш учун янги авиакompаниялар билан аэронавигацион хизматлари бўйича шартномалар, <u>авиакompанияларнинг Ўзбекистон Республикаси аэропортлари билан ерда хизмат кўрсатиш бўйича шартномалари тузилгандан кейин</u> тузилади	янги авиакompаниялардан сўровномаларни келиш даражаси бўйича	ХХТэ бўйича директор ўринбосари, Шартномалар бўлими	
<b>II. Ҳаводаги Ҳаракатни Бошқариш тизимларини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича лойиҳалар</b>					
2.1.	“Самарқанд” аэропортини ҳаво кемалари парвозларини радиотехник таъминлаш қисмида реконструкция қилишни яқунлаш				
2.1.1.	<b>3-Лот.</b> Самарқанд аэродроми учун ОРЛ-А (Аэродром-Кузатув Радиолокатори) аэродроми радиолокаторини сотиб олиш, ўрнатиш ва монтаж қилиш бўйича қурилиш-монтаж ишларини бажариш.	Қурилиш Монтаж Ишлари бўйича иш лойиҳасини давлат экспертизасини ўтказиш. “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Лойиҳаларни ва импорт шартномаларини комплекс экспертизадан ўтказиш маркази” Давлат Унитар Корхонасида лойиҳани амалга ошириш учун лойиҳани тасдиқлаш ва экспертизадан ўтказиш. Пудратчи ташкилот билан шартнома тузиш. Қурилиш Монтаж Ишларини бажариш, усқунани ўрнатиш. Объектни фойдаланишга топшириш.	2022 йил II -чорак	ПРТТ бўйича директор ўринбосари, ПРТТ Бошқармаси бошлиғи, ЕИФБ бошлиғи, Самарқанд ХХБ ХБ	
2.1.2.	<b>4-Лот.</b> Самарқанд аэродроми учун “Учиш майдонини кузатиш” радиолокаторини сотиб олиш, ўрнатиш ва монтаж қилиш бўйича қурилиш-монтаж ишларини бажариш.	Қурилиш Монтаж Ишлари бўйича иш лойиҳасини давлат экспертизасини ўтказиш. “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Лойиҳаларни ва импорт шартномаларини комплекс экспертизадан ўтказиш маркази” Давлат Унитар Корхонасида лойиҳани амалга ошириш учун лойиҳани тасдиқлаш ва экспертизадан ўтказиш. Пудратчи ташкилот билан шартнома тузиш. Қурилиш Монтаж Ишларини бажариш, Усқунани ўрнатиш. Объектни фойдаланишга топшириш.	2022 йил II -чорак.	ПРТТ бўйича директор ўринбосари, ПРТТ Бошқармаси бошлиғи, ЕИФБ бошлиғи, Самарқанд ХХБ ХБ	
2.1.2.	<b>Қўшимча 6-Лот</b> Самарқанд ХХБ ХБ а/п учун объектив назорат воситаларини харид қилиш, монтаж қилиш ва ўрнатиш	Усқуналарни сотиб олиш ва монтаж қилиш, ишга тушириш	2022 йил II -чорак.	ПРТТ бўйича директор ДЎ, ПРТТБ бошлиғи, ЕИФБ бошлиғи, Самарқанд ХХБ ХБ	



2.1.3.	<b>Қўшимча 7-Лот.</b> Самарқанд ХХБ ХБ а/п (аэродромда аэронавигацион ҳолатини назорат қилиш) АТИС ускуналарини харид қилиш, монтаж қилиш ва ўрнатиш	Ускуналарни сотиб олиш ва монтаж қилиш, ишга тушириш	2022 йил II -чорак.	ПРТТ бўйича ДЎ, ПРТТБ бошлиғи, ЕИФБ бошлиғи, Самарқанд ХХБ ХБ	
2.2.	Тошкент а/п учун ILS/DME (приборлар бўйича қўниш тизими/дальномер ускунаси) (2 та комплект) масофани аниқловчи радиомаёқли қўниш тизимини сотиб олиш, ўрнатиш ва монтаж қилиш бўйича Қурилиш Монтаж Ишларини бажариш	Иккинчи комплект ускуналарини етказиб берилиши. “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Лойиҳаларни ва импорт шартномаларини комплекс экспертизадан ўтказиш маркази” Давлат Унитар Корхонасида лойиҳани амалга ошириш учун лойиҳани тасдиқлаш ва экспертизадан ўтказиш.Пудратчи ташкилотни танлаш бўйича тендер савдоларини ўтказиш. Пудратчи ташкилот билан шартнома тузиш. Қурилиш Монтаж Ишларини бажариш. Объектни фойдаланишга топшириш.	2022 йил I – III -чорак.	ПРТТ бўйича ДЎ, ПРТТБ бошлиғи, ЕИФБ бошлиғи, ПРТТМ	
2.3.	Тошкент шаҳри аэропортида «Ахборот-сервер» ускунасини модернизация қилиш	Иккинчи ускуналар комплектини етказиб бериш, ўрнатиш ва монтаж қилиш.	2022 йил I -чорак.	ПРТТ бўйича ДЎ, ПРТТБ бошлиғи, ПРТТМ	
2.4.	<b>Термиз аэропортини ҳаво кемалари парвозларини радиотехник таъминлаш қисмида реконструкция қилиш</b>				
2.4.1.	<b>1-Лот.</b> Термиз аэродромининг Ҳаводаги Ҳаракатни Бошқариш биносини қуриш	Лойиҳа олдидан ҳужжатларни тайёрлаш. Лойиҳалаш ташкилоти билан шартнома тузиш. Техник тавсифларни, Техник иқтисодий ҳисоб-китоб ва Иш лойиҳасини ишлаб чиқиш. Техник иқтисодий ҳисоб-китоб ва Иш лоyiҳасини экспертизадан ўтказиш. Техник иқтисодий ҳисоб-китоб ва Иш лойиҳасини амалга ошириш учун “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Саноат вазирлиги ҳузуридаги Лойиҳалар ва импорт шартномаларини комплекс экспертизадан ўтказиш маркази” Давлат Унитар Корхонасида техник шартларни давлат экспертизасини ўтказиш.Қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун пудратчи ташкилот билан шартнома тузиш.	йил давомида, 2022 йил II -чорагидан бошлаб	ПРТТБ бошлиғи, ЕИФБ бошлиғи, Термиз ХХБ ХБ	

2.4.2.	Лот-2. Термиз Ҳаводаги Ҳаракатни Бошқариш Ҳудудий Бўлинмаси учун Ҳаводаги Ҳаракатни Бошқариш Автоматлаштирилган Тизими асбоб-ускуналарини сотиб олиш, ўрнатиш ва монтаж қилиш	“Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Саноат вазирлиги ҳузуридаги Лойиҳалар ва импорт шартномаларини комплекс экспертизадан ўтказиш маркази” Давлат Унитар Корхонасида техник топшириқлар экспертизаси. Асбоб-ускуналарни етказиб бериш ва монтаж қилиш бўйича шартнома тузиш. Асбоб-ускунани етказиб бериш.	йил давомида, 2022 йил II -чорагидан бошлаб	ПРТТ бўйича ДЎ, ПРТТБ бошлиғи, Термиз ҲХБ ҲБ	
